



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 13 декабрь, № 240 (5407)

Сешанба

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалалардан бири — 2012 йилги макроиктисодий кўрсаткичлар, солиқ ва бюджет сийёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Давлат бюджетидир. Ушбу ҳужжат мамлакатимизнинг илҳам макроекономикасининг ривожланишини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал тараққиёт этишини, аҳолининг реал даромадлари барқарор ўсиши ва турмуш даражаси юксалишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилганлиги билан аҳамиятлидир.

ЮРТ РАВНАҚИ, ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ

давлатимиз бош молиявий ҳужжатининг асосий мақсадидир

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мустақиллик йилларида юртимизда узокни кўзлаб пухта ишлаб чиқилган “Ўзбек модели” асосида амалга оширилган кенг олоқотлар

Сенатда маъқулланган

Осиё мамлакатлари департаменти бўлими бошлигининг ўринбосари Вероника Бакалу хоним миссия иши якунлари тўғрисида баёнот бериб, Ўзбекистон 2000 йилларнинг ўрталаридан жадал ўсишга эришгани ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрганлини алоҳида қайд этди. “Сўнгги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8 1/2 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир.

(Давоми 2-бетда).

фармасия (ХВЖ) миссияси Ўзбекистон молия тизимига юқори баҳо бергани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Миссия раҳбари — ХВЖнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти бўлими бошлигининг ўринбосари Вероника Бакалу хоним миссия иши якунлари тўғрисида баёнот бериб, Ўзбекистон 2000 йилларнинг ўрталаридан жадал ўсишга эришгани ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрганлини алоҳида қайд этди. “Сўнгги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8 1/2 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир.

МУКАММАЛ ҚОНУНЧИЛИК — ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ НЕГИЗИ

Мулкрий муносабатларни такомиллаштириш, мулкчиликни таркибий ўзгартириш бозор иқтисодиётини қураётган мамлакатлар учун энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Мулкчилик муносабатларини ўзгартириш, аввало, ҳўжалик юртишнинг марказлашган-режали моделидан бозор моделига ўтиш барқарор бозор муносабатларини шакллантиришнинг асосий шартидир. Зеро, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг иқтисодий эркинлиги ҳамда рақобат муҳитининг мавжудлиги бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларидан саналади.

Булар, айниқса, ишлаб чиқариш воситалари, молиявий ресурслар ва ерга бўлган давлат мулки монополияси шароитида амалда таъминланиши мумкин эмас. Шу боис хусусийлаштириш бозор иқтисодиётга ўтишнинг объектив заруратидир.

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазибалар

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб мулкрий давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини яратишга тобора ортиб бормоқда. Чунинчи, 1991 йилда “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда хусусийлаштириш жараёнини бошлаб берди. Ушбу зарғаб босқичма-босқич тарзда, энг асосийси, ҳар бир босқичнинг натижалари ва улардан ке-

либ чиққан хулосалар инобатга олинган ҳолда олиб борилди. Амалга оширилган кенг қўлмали чора-тадбирлар туфайли ҳозиргача республикаимизда 80

фоизи, чакана савдо ва қишлоқ ҳўжалигида эса деярли 100 фоизга яқини нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келмоқда. Жами корхона ва ташкилотларнинг 90 фоиздан зиёди мазкур секторда фаолият юритаётди. Бундан ташқари, хусусийлаштириш натижасида акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, хусусий корхоналар, фермер ҳўжаликлари, агрофирмалар каби ҳўжалик юртишнинг турили ташкилий-ҳуқуқий шакллари пайдо бўлди.

Айни пайтда мавжуд қонунчилик тизимини бугунги кун талаби асосида такомиллаштириш зарурати ҳам йўқ эмас. Сабаби шундаки, хусусийлаштириш тартиб-таомиллари 80 дан зиёд қонунности ҳужжатларида ўз аксини топган. Шу билан бирга, мазкур йўналишдаги ижобий ўзгаришлар хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий базасини корхоналар фаолиятини тубдан яхшилаш ва давлат мулкни самарали бошқариш талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Яна бир қўшма корхона

САМАРҚАНД. Ургут туманининг Богшиамол маҳалласида “Маҳмудов Барокат бизнес оптима” қўшма корхона иш бошлади.

Қиймати 260 минг АҚШ долларлик ушбу лойиҳа рўёбга чиқарилиши билан маҳаллий хом ашёдан ва тин, ип, сочик, аёл каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Айтиш жоизки, тумандаги қўшма корхоналар томонидан жорий йилнинг тўққиз ойида 4 миллион 713 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

М. ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қувватлар ошмоқда

Жумладан, “Қувасой чинниси” очиб акциядорлик жамиятида ҳам иқтисодий соғломлаштириш тадбирлари кўрилмоқда. Инвестиция лойиҳасига кўра, корхонага 2 миллиард сўмлик сармоя киритиш режалаштирилган. Ҳозирга қадар 915 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилиб, 160 та иш ўрни яратилди.

Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ташаббус меваси

Ушбу лойиҳага 240 миллион сўмлик маблағ йўналтирилди. Пировардда ташаббус ўзини оқлаб, бу ерда ойига 25 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришилмоқда. Урганч шаҳрида шу йилнинг тўққиз ойида 109 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Буюртмачиларга манзур

Тўрақўрғон туманидаги “Ферросплав” масъулияти чекланган жамиятида гишт заводлари учун қозон ва пурақачлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Корхонанинг 75 миллион сўмлик дастлабки маҳсулоти буюртмачиларга манзур бўлди.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Беш баробар ўсиш

Бунинг учун 200 миллион сўмдан зиёд маблағ эвазига “Бухоро ватер фаль гарден” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиб, зарур ускуналар билан жиҳозланди. Янги лойиҳа шарофати билан ишлаб чиқаришда қўлланадиган ҳар тонна силикат нархи 200 минг сўм арзонга тушмоқда. Яна бир эътиборли жиҳати, кейинги йилларда корхонада маҳсулот тайёрлаш ҳажми мутасил ошиб бораётти. Чунинчи, “Бухоро — Баҳор” жорий йилда буюртмачиларга етти минг тоннадан зиёд маҳсулот етказиб берди. Бу кўрсаткич 2009 йилдаги маҳсулот нисбатан салкам беш баравар кўлдир.

Жорий йилнинг тўққиз ойида туманда фаолият кўрсатётган саноат корхоналари томонидан 18 миллиард 517 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Дил сўзи

Кўнгли соф, орзунияти улуғ, аҳил ва бағрикенг инсонлар яшайдиган ерда тинчлик-осойишталик ҳукмрон бўлади.

Зеро, юртимизда ҳам миллати, ирқи, тили, дини, этники ҳамда ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, барча бирдек ҳамжиҳатлик тамойили асосида умр кечирмоқда.

ОСОЙИШТА, ФАЙЗЛИ ВА ОБОД

она-Ватанда яшаш бизга фахр ва ифтихор бағишлайди

Асосий Қонунимизнинг 4-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди”, деб қайд этилган. Бу кўп миллатли халқимиз орасида меҳр-оқибат ва дўстлик ришталари мўқаддас саналиши, юртимизда истиқомат қилаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек иноқ яшашининг қонуний кафолати, ҳаётий тасдиғидир. Ушбу олий қадрият кириб келаётган йилимизнинг “Мустақкам оила йили” деб номланиши мисолида яна бир бор ўз тасдиғини топди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламыз. Конституциямиз қабул қилинганининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз маънавий ҳаётимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни кенг қарор топтиришда, тобора кучайиб бораётган, бизнинг миллий табиатимиз, урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган ҳар қандай зарарли таъсирлар, бузғунчи гоёларга қарши туришда, азалий қадриятларимизни асраб-авайлашда оилани мустақкам таянч, деб биламыз.

(Давоми 3-бетда).

ИЛҒОР ВА ТЕЖАМҚОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

сифат ва самарадорлик омилдир

Саноат корхоналари технологияларининг илғор ва замонавийлиги маҳсулотларнинг сифатли тайёрланишини кафолатлаши сир эмас. Қолаверса, бундай ускуналар энергияни тежаш билан ҳам ишлаб чиқарувчиларга қўшимча иқтисодий наф келтириши маълум. Бу эса жаҳон бозоридан мустақкам ўрин эгаллашни мақсад қилган маҳаллий ишбилармонлар учун айни муддаодир.

Интилиш

Шу боис бугун мамлакатимизда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ана шундай технологиялар асосида ўз фаолиятларини ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда. Пировардда янги-янги маҳсулот турлари ўзлаштирилиб, аҳолининг импорт ўрнини босувчи истеъмол товарларига бўлган талаби қондириляпти.

Хусусан, Тошкент вилоятида поёнига етаётган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилнинг ўтган даврида 303 та янги корхонада ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Янгийўл туманининг Гулбаҳор шаҳарчасида иш бошлаган “Parasty kandi” масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шулардан бири.

Хозир бу ерда маҳаллий ёшлардан 30 нафари иш билан банд. Улар томонидан тайёрланаётган 5 турдаги ширинликлар қисқа муддатда ички бозорда ўз харидорларини топиб улгурди. Корхонага ўрнатил-



ган илғор қандолатчилик технологиялари Германиядан келтирилган бўлиб, бир кеча-кундузда 3 тоннагача маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

— Фаолиятимизни йўлга қўйишимизда ўз маблағимиздан ташқари, банкнинг 80 миллион сўмлик кредити ҳам кўп келди, — дейди тадбиркор Аслиддин Тошпўлатов. — Натижада маҳаллий истеъмолчилар эътиборини қозонишга муваффақ бўлдик.

(Давоми 2-бетда).

ЭКОЛОГИК ТОЗА МУҲИТ — ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ГАРОВИ

Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутatlари, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари фаоллари, экология соҳасидаги олимлар ва мутахассислар иштирок этган мазкур тадбирда Экоҳаракатнинг 2011 йилдаги фаолияти якунлари таҳлил қилиниб, галдаги вазибалар белгилаб олинди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгаши ижроия қўмитаси раиси Б. Алионов маъруза қилди.

Анжуман

Таъкидланганидек, мамлакатимизда атроф-муҳит, аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш ва экологик вазиятни соғломлаштиришда кенг жамоатчилик иштирокни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу республикаимиздаги энг ёш жамоат ташкилотларидан бири бўлган Экоҳаракатнинг фаолият қўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлаёттир. Бунинчи, Экоҳаракат дастурий мақсад ва вазибаларидан келиб чиқиб, ўтган даврда амалга оширилган ишлар сарҳисоби ҳам яққол кўрсатиб турибди. Чунки бугунги кунга қадар 1200 га яқин тадбирлар ўтказилиб, улардан салкам 1,5 миллион нафар киши камраб олинди.

(Давоми 2-бетда).

Маҳаллийлаштириш дастури — амалда

Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида 2011 — 2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариши маҳаллийлаштириш Дастури доирасида ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан **19,8** фоиз кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Президентимиз ташаббуси билан ички бозорни ўзимизнинг маҳсулотлар билан тўлдириниш, янги турдаги товарлар тайёрлашнинг ўзлаштиришга устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда саноат корхоналари техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиниб, янги қувватлар ишга тушириляпти. Масалан, 2011 йилнинг январь — сентябрь ойларида дастур доирасида 1052 та лойиҳа муваффақиятли амалга оширилиши натижасида 5052,4

миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди. Таъкидлаш керакки, кейинги йилларда йирик инвестициявий лойиҳалар шарофати билан мураккаб технологик жараён талаб этиладиган машиний буюмлар тайёрлаш ҳам ўзлаштирилмоқда. Айтилайлик, юртимизда жорий йилдан бошлаб автомобиль двигателлари, электр энергиясини тежовчи лампалар, кир ювиш машиналари, машиний газ плиталари, совуқчи-лар, электр чангочкичлар ва бошқа кўплаб турдаги импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлана бошланди. Улар сифат кўрсаткичлари буйича хорижидан асло қолишмаслиги туфайли нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорғир бўлиб бораётти. Буларнинг барчаси Маҳаллийлаштириш дастурининг изчиллик билан ижро этилаётгани, иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакатимиз ҳудудларининг саноат салоҳиятини ошириш буйича қўриладиган тизимли чора-тадбирлар беқиёс самаралар бераётганининг амалий исботидир.

Бир рақам шарҳи

МУКАММАЛ ҚОНУНЧИЛИК – ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ НЕГИЗИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бунда мулк ҳақиқий эгасини топиши, мулк сотиб олингандан кейин ундан самарали фойдаланиш учун зарур шартлар яратиб бериш асосий мақсаддир. Зотан, ҳақиқий мулкдоргина корхонанинг самарали фаолият юритишини таъминлайди, унга инвестиция киритади, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этади, махсулотни билан жохон бозорига чиқишга ҳаракат қилади ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади. Хусусийлаштиришнинг ҳозирги босқичида ушбу мақсадларга эришишда уни қонун билан тартибга солишнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

Шу муносабат билан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, "Хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилгани муҳим аҳамиятга эгадир. Қонун лойиҳасининг асосий мақ-

сади иқтисодиётда хусусий сектор иштирокини янада кенгайтириш, хусусийлаштириш битимларининг очкилиги ҳамда ошқоралигини, инвесторларнинг барча тоифалари учун тенг шартларни, шунингдек, мулкнинг ҳуқуқни таъминлаш, хусусийлаштириш жараёнининг амалдаги замонавий стратегияси талаблари асосида қонуний тартибга солишдан иборатдир.

Қонун лойиҳасида унинг моддаларини тўлиқ ва аниқ баён этишга, айниқса, ҳавола нормалардан холи ёндашувга, шунингдек, унинг қоидалари ҳамма учун бир хилда тушунарли ҳамда қулай тарзда ифодаланишига эътибор қаратилди.

Ушбу ҳужжатга илк мартаба давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар, уларнинг мазмуни ва бажарилишини назорат қилиш шартлари, шунингдек, мулкни сотувчи ва унинг харидори тушунчалари киритилгани алоҳида эътирофга моликдир.

Лойиҳада давлат мулкни, жумладан, унинг айрим турлари хусусийлаштириш шартлари, бозор шартларида хусусийлаштириш объектларининг хусусийлаштиришдан кейинги даврдаги фаолиятини белгиловчи шартларни белгилаш, хусусийлаштириш бўйича давлат дастурларини тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнини тартибга солишган. Бундан ташқари, унда давлат мулкни бўлган объектларни аукцион ва танловлар(тендерлар)да, биржа савдоларида ҳамда харидорлар билан бевосита ўтказиладиган музокаралар натижасига қўра сотиш,

Хулоса ўрнида айтганда, янги қонун лойиҳаси қабул қилинган, хусусийлаштириш шартлари ва усуллари белгилашга нисбатан бир томонлама ёндашувнинг олди олинади. Шунингдек, хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш ва бу борадаги кўрсаткичларни сифат жиҳатидан яхшилашни таъминлаб, давлат мулкни бошқариш соҳасидаги қонунчиликни уйғунлаштиришга хизмат қилади.

Н. ҲАМРОҲҲАЕВ,
Давлат мулкни қўмитаси бошқарма бошлиғи.

ЮРТ РАВНАҚИ, ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ

давлатимиз бош молиявий ҳужжатининг асосий мақсади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қатор йиллар давомида кузатишга бўлган бюджет профицити, расмий захиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг камлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди. Хисобот маълумотларига қўра, япони ички маҳсулот ўсиши 2010 йилда 8 1/2 фоизни, 2011 йилнинг сентябргача 8,2 фоизни ташкил этган, дейилади, жумладан, миссия раҳбари тарқатган баёнотда.

Дарҳақиқат, бу рақамлар замирида Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат, банк-молия тизимининг тўри йўлга қўйилгани, солиқ маъмуриятчилигининг изчил такомиллаштирилиши, иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари жадал модернизация қилинаётгани муҳассамдир.

2012 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Давлат бюджетига иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришлари, юқори технологиялар асосида ишлаб чиқаришни ривожлантиришни давом эттириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш, хоржий инвестицияларни кенг жалб этиш, чет эл инвесторлари учун янада қулай шартлар яратиш, инфратузилмани, транспорт хизмати коммуникация тармоқларини янада яхшилаш, хусусий мулкнинг ишончли хисобини ва тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини таъминлаш, қулай бизнес муҳитини яратиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида урғу берилган.

Хусусан, 2012 йилда солиқ сиёсати ҳужжалик юритувчи субъектларга ва аҳоли даромадларига солиқ юкни янада пайсантириш, солиқ тизimini соддалаштириш, солиқ солиш объектларини яшириш ва камайтириб қўриштириш ҳолатларининг олдини олиш бўйича солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш маса-

лаларини камраб олган. Унга мувофиқ, кичик бизнес субъектлари фаолиятининг жадал ривожланишини янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида санаят соҳасидаги корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасини 6 фоиздан 5 фоизгача пасайтириш қўзда тутилмоқда.

Фойда солиғини тўловчилар учун солиқ солинадиган базадан қўшимча чегирмалар назарда тутилган. Ўзини юридик шахснинг ходимга тўлайдиган озиқ-овқат ҳамда йўл ҳақи учун харажатлар, бир йўла бериладиган муқофотлар ва таътилга қўшимча ҳақлар бўйича харажатларни чиқариб ташлаш белгиланмоқда. Ҳисоб-китобларга қўра, ушбу чора-тадбирлар тўғрисида ҳужжалик юритувчи субъектлар иқтиёрида қўшимча 20 млрд. сўмдан ортиқ маблағ қўлади.

Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун белгиланган солиқ ставкаларини ўртача икки баравар камайтириш таклиф этилмоқда. Бу, табиийки, тармоқнинг янада изчил ривожланишига қўмақ беради.

Шу ўринда келгуси йил учун бюджет сиёсатида ҳам ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлаш жоиз. Давлат бюджетини барча харажатларнинг қарийб 59 фоизини ижтимоий мақсадлар учун йўналтирилиши қўзда тутилмоқда. Хусусан, бунда таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Маълумки, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш, инфляцияни чеклаш ва инвестициявий фаолиятни ўстириш имкониятлари, шубҳасиз, макроиктисодий сиёсатга, банк тизimini салоҳиятини мустаҳкамлаш, ислохот қилиш орқали унинг барқарорлигини оширишга бевосита боғлиқдир. Шу босис келаси йилда иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари сифатида банк кредитлари ўсишини таъминлаш, экспортга махсулот чиқарувчи корхоналарнинг рақобатбардорлигини қўллаб-қувватлаш, барқарор инвести-

ция муҳитини яратиш, таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, реал секторда модернизация ва технология янгилаш жараёнини жадаллаштиришга алоҳида урғу берилмоқда.

Илмий тадқиқот муассасалари ва ташкилотларнинг илмий тадқиқотлари натижаларини ҳаётга таъбиқ этишдан манфаатдорлигини ошириш, шунингдек, илмий тадқиқот буюртмачилари масъулиятини қулайтириш мақсадида илмий лойиҳалар учун грантларни бюджетдан молиялаштиришда янги тартиб жорий қилинмоқда. Бу тартиб, ўз навбатида, илмий грантларни амалга ошириш учун ажратилаётган бюджет маблағларидан янада оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлайди.

Шу ўринда келгуси йил учун марказлашган инвестицияларни жалб қилиш ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилаётган чора-тадбирларни алоҳида қайд этиб ўтиш мақсадида мувофиқдир. Инвестиция маблағлари зарур ирригация иншоотлари қурилишини давом эттириш, соғлиқни сақлаш муассасаларини босқичма-босқич мукаммал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш, қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш учун сув тармоқлари ҳамда иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш, қишлоқ жойларда янги барпо этилаётган тураржойлар ва у ердаги инфратузилмани ривожлантириш, республика шаҳарлари қиёфасини ҳамда инфратузилмасини яхшилаш бўйича қўзда тутилган чора-тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Мутасарриф айтганда, давлатимизнинг бош молиявий ҳужжати мамлакатимизнинг изчил тараққиётини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини, аҳоли реал даромадлари барқарор ўсиш, халқимиз турмуш фаровонлиги янада юксалишини таъминлашга хизмат қилади.

Х. БОЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси.

Қисқа сатрларда

• САМАРҚАНД шаҳрида "Йил аёли" республика кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда 16 нафар хотин-киз ўз соҳаларида эришган муваффақиятларини намойиш қилди. Тадбир якунида голиб ва совриндорлар номи аниқланиб, уларга эсдалик совгалари топширилди.

• ЧИМБОЙ туманида "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг янги бўлими иш бошланди. Қарийб 480 миллион сўмлик маблағ эвазига бунёд этилган ушбу молия муассасасида мижозлар учун барча қулайлик яратилган.

• ҲАЗОРАСПлик тадбиркор Жуманазар Султонов Пичоқчи қишлоғида қандолат ҳамда макарон махсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. 100 миллион сўм эвазига хориждан келтирилган замонавий технология ёрдамида бу ерда кунига икки тоннага яқин махсулот тайёрланапти.

• ШЕРОБОД туманидаги "Тошпўлатов Жўраниёз" фермер ҳўжалиги қошида ташкил этилган сутни қайта ишлаш корхонасида модернизация ишлари олиб борилди. Пировардида бу ерда кунига 1 тоннагача сут махсулотлари тайёрлаш имконияти юзага келди.

• ГУЛИСТОН туманида ойиш 100 минг дона пишқ гишт ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Олтинтепа гишт инвест" хусусий корхонаси фаолият бошлади. 15 киши меҳнат қилаётган жамоа ўз махсулотларини худудда барпо этилаётган намунавий тураржойларга етказиб бермоқда.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Пойтахтимизда "Президент асарларини ўрганамиз" ҳамда "Конституциямиз – бахтимиз пойдевори" республика кўриктанловлари голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур танловлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Адлия вазириликлари, Республика "Тасвирий ойна" ижодий уюмаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Т. Ширинов, "Тасвирий ойна" ижодий уюмаси раиси И. Латипов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тар-

ни ёзма иш, тасвирий, кўргазмалар воситаларида ифодалашга қаратилган мазкур танловларнинг дастлабки босқичларида 3,5 миллион нафардан

Танлов

лойиқ топилди. "Конституция – бахтимиз пойдевори" танловида эса тас-

БИЛИМДОНЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

биялаш борасида амалга оширилаётган ишларда ҳуқуқий таълимни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Уқувчи - ёшларнинг ҳуқуқий билимларини юксалтириш, Конституциянинг мазмун-моҳиятини пухта ўрганиш, унинг инсонпарварлик, демократик ва адолатпарварлик тамойиллари

зиёд ўқувчи иштирок этди.

Яқуний натижаларга қўра, "Президент асарларини ўрганамиз" кўрик-танловида Нукус шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган мактабнинг 9-синф ўқувчиси Озод Жўлдосбоев бош совринга сазовор бўлди. Урганч туманидаги 40-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Рисолат Искандарова биринчи ўринга

вирий санъат йўналиши бўйича Қарши шаҳридаги 5-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Шаҳрибону Пўлатова, иншо йўналишида Бухоро туманидаги 53-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Интизор Сирожева, видеоролик йўналиши бўйича Жиззах туманидаги 16-умумтаълим мактаби жамоаси голиб, деб топилди.

Бахриддин ШАЙВАЛИЕВ.

ИЛГОР ВА ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

сифат ва самарадорлик омилдир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳозир мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан кўплаб буюртмалар олаётимиз. Айниқса, Янги йил байрами кунлари хуштам ва сифатли шоколадларимиз билан юртимиз аҳолисини, хусусан, болажонларимизни хушнуд этиш ниятидамыз. Бунинг учун ширинликларимизнинг Европа қандолатчилиги андозалари, илгор технология асосида тайёрланишига, улар таркибида табиий сут ва ноз-неъматлар ҳажмининг етарли даражада бўлишига, шунингдек, харидор диди ва талабига мос равишда қадоқланишига алоҳида аҳамият бераётимиз.

Эътиборлиси, корхона жамоаси яқин келажакда махсулот тури ва ҳажмини камида уч-тўрт баробар кўпайтиришни мақсад қилган. Бу эса, қўшимча иш ўринлари яратиш, пировардида махсулотни ташқи бозорга ҳам олиб чиқиш имконини беради.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятдан лавҳалар. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



Миллий иқтисодиётимиз бозор муносабатлари тамойиллари асосида ривожланар экан, бунда нафақат ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи манфаатлари, балки истеъмолчи ҳақ-ҳуқуқлари ҳам қонун йўли билан муҳофаза қилиниши талаб этилади. Бу борадаги муносабатларни тартибга солишда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан олиб борилаётган ишлар ҳам алоҳида эътирофга лойиқ.

ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ ВА ИЖРО МАСЪУЛИЯТИ

— Фаолиятимизни "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларидан келиб чиқиб йўлга қўйганимиз, — дейди Бухоро вилояти Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва реклама бозорини тартибга солиш бўлими бошлиғи Толибжон Яқоев. — Жорий йилнинг ўтган даврида мазкур ҳужжат талабларига риоя этилиши юзасидан 200 дан зиёд ўрганиш ва таҳлил ишлари амалга оширилди. Натижада ўттиздан ортиқ ҳўжа-

лик юритувчи субъектлар томонидан истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилгани аниқланди. Бошқача айтганда, мазкур субъектлар истеъмолчилар ҳисобидан 47362,7 минг сўм миқдорда асоссиз маблағ олишган. Яроқиллик мuddати ўтган 26,8 минг сўмлик махсулот реализация қилиш учун савдога қўйилгани ҳам аён бўлди.

Бошқарма томонидан мазкур субъектларга нисбатан белгиланган тартибда иш қўзғатилиб, қонунбузилишларни ихтиёрий равишда бартараф этиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилиниб, корхона раҳбарларига ёзма кўрсатмалар берилди.

Шу ўринда аниқ мисолларга тўхталсак. Бухоро тумани марказидаги Пахтакор кўчасида яшовчи М. Муродова икки минг

Назорат

қуб метр табиий газ учун олдиндан тўловни амалга оширганга қарамай, 150 минг сўм қарздорлик ҳисобланганини эшитиб, таажубга тушди. Тумани истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига мурожаат этди. Унинг аризаси ўрганиб чиқиш учун "Ғарбгазтаъминот" унитар корхонаси Бухоро тумани филиалига юборилди. У ердан эса аризачи табиий

газдан қарздор эканлиги билдирилди. М. Муродова бу жавобдан қониқмади, албатта. У виллоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудуд-

чиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида турли ўқув муассасаларида ўтказилаётган семинар-тренинг ва давра суҳбатлари ҳам натижасиз қолма-

ди. Фуқароларнинг истеъмолчи сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишларини сўраб мурожаат этиш ҳоллари қўймаймоқда. Чунончи, жорий йилнинг ўтган даврида бошқармага фуқаролар томонидан 200 дан кўп мурожаат тушди. Юздан зиёд ҳолатда масала истеъмолчилар фойдасига ҳал этилди. Кўплаб мурожаатчиларга зарур ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Муҳими, истеъмолчилар ўз ҳақ-ҳуқуқлари бузилганида ёлғиз эмасликларини, қонун уларнинг ишончли ҳимоячиси эканини чуқур ҳис этишяпти.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2011 йил 13 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритиши, шунингдек, божиёна ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарини сўма нисбатан қўйишга қиймати белгилади. *)

1 Австралия доллари	1817,75
1 Англия фунт стерлинги	2795,00
1 Дания кронаси	320,99
1 БАА дирҳами	486,74
1 АКШ доллари	1787,54
1 Инср фунти	297,18
1 Истандлия кронаси	15,03
1 Канада доллари	1753,01
1 Ҳитой юани	281,08
1 Малайзия рингити	567,47
1 Польша злотисини	529,47
1 СДР	2783,70
1 Туркия лираси	970,43
1 Швейцария франки	1929,97
1 евро	2391,64
10 Жапуний Корея воени	15,62
10 Япония иенаси	230,29
1 Россия рубли	56,62
1 Украина гривнаси	223,72

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Бозорнинг ҳафта давомидаги динамикаси	СУЮЛТ. ГАЗ	ЦЕМЕНТ	УН БИРИНЧИ НАВ	ОМИХТА ЕМ
ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг	2270,6 ▼ -88,4	198,6 ▼ -0,8	640,0 ▲ +15,0	321,4 ▼ -42,3

Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида тараққиётнинг "Ўзбек модели" асосида кенг қўлланган модернизация жараёнлари изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, бошқа соҳалар қатори юртимиз равнақида алоҳида аҳамиятга эга бўлган транспорт-коммуникация тизимини ҳам йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.



ЗАМОНАВИЙ, ТЕЗКОР ВА ҚУЛАЙ

Испаниянинг "PATENTES TALGO, S.L." компаниясида ишлаб чиқарилган "Afrosiyob" электропоездининг навбатдагиси пойтахтимизга етиб келди.

Президентимизнинг 2010 йил 5 январдаги ПҚ-1255-сонли қарори асосида мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида "Afrosiyob" электропоезди қатнови йўлга қўйилгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Шубҳасиз, бунда давлатимиз раҳбарининг 2009 йил май ойида Испания Қироллигига ташрифи доирасида Марказий Осиёда биринчи бўлиб юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездлар қатновини йўлга қўйиш бўйича келишувга эришилгани муҳим қадам бўлди. Зеро, шу асосда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компанияси ва Испаниянинг "Patentes Talgo" компанияси ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича меморандум имзоланиб, иккита электропоезд харид қилишга келишилган эди.

Хабарингиз бор, биринчи тезюзар "Afrosiyob" электропоезди Тошкентга жорий йилнинг 22 июль

куни олиб келинганди. 9 декабрда эса замонавий ва ҳар томонлама қулай электропоездининг навбатдагиси пойтахтимизга етиб келди. Такдимот маросимида тизимда ҳаётга жорий этилаётган бундай янгиликлар мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий равнақ топиши, жумладан, транспорт-коммуникация ҳамда ту-

ТАКДИМОТ

ризм тармоқларини изчил ривожлантиришда айна мудоа эканлиги алоҳида таъкидланди.

— Ушбу электропоезд иккита бош локомотив, саккизта йўловчи ташувчи вагон ва битта вагон-ресторандан иборат, — дейди "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг туризм, реклама ва маркетинг тадқиқотлари агентлиги бошлиғи Фозил Шарипов. — Поезд бир йўлга 215 йўловчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга.

Унда темир йўл транспорт соҳасининг энг сўнгги ютуқлари мужассамлашган. Бошқарув тизими тўлиқ компютерлаштирилган. Конструкциянинг енгил ва мустаҳкамлиги хавфсизлик ҳамда энергия тежалишига имкон яратган. Бундан ташқари, гилдираклари мустаҳкам ва унда ҳамisha барқарор юқори тезлик сақланади. Вагонлар шина ва қулай. Уларга ўрнатилган электрон таблолар орқали ҳаво ҳарорати, йўналиш жадвали ҳамда тезлик ҳақида ахборотлар бериб борилади. Шу билан бирга, доимо қулай ҳароратга эга ва шовқиндан ҳимояланган салонлар ажойиб дизайн ҳамда замонавий интерьер билан жиҳозланган.

Тадбирда тегишли ташкилот вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

С. МАХСУМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИЗЛАНИШ

Термиз шаҳридаги "Сурхонваликнаслчилик" ўқув-амалиёт ва ишлаб чиқариш мажмуасида интенсив технология асосида балиқ чавоқларини кўпайтириш йўлга қўйилди.

Жонга роҳат, танга дармон

Мазкур лойиҳа Германиянинг 17 минг евро миқдоридagi гранти ҳамда корхонанинг 50 миллион сўмлик маблағи эвазига молиялаштирилди. Бунёд этилган махсус сув ҳавзаларида дастлабки 10 миллион дона балиқ чавоғи етиштирилди.

Н. ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОСОЙИШТА, ФАЙЗЛИ ВА ОБОД

она-Ватанда яшаш бизга фахр ва ифтихор бағишлайди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Биламизки, оила мустаҳкамлиги униб-ўсиб келётган навқирон фарзандлар тарбияси, уларнинг баркамол шахс бўлиб вояга етишини таъминлашда ўта муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, юртимизда барча миллату элатларнинг ягона ва ахил оила бўлиб яшаётганлиги нафақат бугунги кун, балки кела-

жагимиз фаровонлигини таъминлашга ҳам хизмат қилаётир. Қувонарлиси, айна пайтда мамлакатимизда миллатлараро дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, миллий ҳамда умумбаршарий кадриятларни кенг тарғиб қилишга ҳисса қўшаётган 140 дан зиёд миллий маданий марказлар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу марказлар ташаббуси билан

жойларда ўтказиладиган маданий-маърифий кечалар, анжуманлар, дўстлик фестиваллари, кўрик-танлов, концерт дастурлари, ижодий учрашув ва кўргазма кўринишидаги анъанавий тадбирларда шу азиз юрт одамларининг муштарак мақсадлари, орзунтилишлари тараннум этилади. Хусусан, бизнинг марказимиз ва унинг жойлардаги бўлимлари-

да ўзбек-туркман халқларининг миллий байрамларига бағишланган концертлар, икки халқ ижодкорлари ўзаро ҳамкорликда яратган ижодий асарлар тақдироти, буюк алломалар таваллудига бағишланган баддий кечалар, "Ўзбекистон — умумий уйимиз" мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам ташкил этилмоқда. Аслида ҳам,

осойишта юртга, файзли ва фаровон оилаларга, хонадонларга байрам кечалар ҳамisha ярашади. Шу боис истагимиз шу — ҳар кун, ҳар гўшада айёму тантаналар бўлсин, халқимиз дилидаги эзгу ниятлар рўёбга чиқаверсин.

Ўромурад ҚУРБОНОВ,
Республика туркман миллий маданий маркази раиси,
«Дўстлик» ордени соҳиби.

• Реклама ва эълонлар •



НАМКОРБАНК

«Хамкорбанк» очик акциядорлик-тижорат банки

Moody's
INVESTORS SERVICE

халқаро рейтинг компаниясининг

Миллий валютада **B1**
Хорижий валютада **B2**

БАРҚАРОР

рейтинг даражасини олишга эришди.



«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2012 йил 17 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтadиган аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Наманган вилояти хўжалик судининг 2011 йил 6 октябрдаги 16-1104/10976-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилари Косонсой тумани бўлими томонидан хатланган, Косонсой тумани, «Ешлик» ҚФЙ, «Бомраха» МФЙда жойлашган «Ислом Мафтуна» фермер хўжалигига тегишли бўлган дала шийони, (фойдали ер майдони — 220,56 кв.м., умумий ер майдони — 273,38 кв.м., пойдевори бетон, девори гишт, ёғоч устулни, томи шифер, дала шийони, айвон, молхона, ҳожатхона, майдон ва бордордан иборат).
Бошланғич баҳоси — 149 134 000 сўм.
2. Наманган вилояти хўжалик судининг 2008 йил 15 сентябрдаги 16-0806-11938-сонли суд буйруғига асосан, суд ижрочилари Мингбулок тумани бўлими томонидан хатланган, Мингбулок тумани, «Жомашуй» ШФЙ, «Кўриқобод» МФЙда жойлашган, «Матлубот агрофирма» МЧЖга қарашли бўлган нон ишлаб чиқариш цехи (умумий эгаллаган ер майдони — 7619 кв.м., қурилиш ости майдони — 1595 кв.м., ички фойдали майдони — 1225 кв.м.).
Бошланғич баҳоси — 172 503 422 сўм.

Шунингдек, 2011 йил 28 декабрь куни соат

11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги мулклар тақдоран қўйилмоқда:

Наманган вилояти хўжалик судининг 2011 йил 20 июлдаги 16-1103-4329-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилари Наманган шаҳар бўлими томонидан хатланган, Наманган шаҳри, Амир Темура кўчасида жойлашган, «Наманган темир йўл ресторани» МЧЖнинг ресторан биноси (омбор биноси билан).

Бошланғич баҳоси — 550 000 000 сўм.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза (талабнома)ларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорларнинг ариза (талабнома)лари Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уйда иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини хар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган филиалининг «Ипотека-банк» АИТБ Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-кават.
Телефонлар: (8-369) 226-27-01, 226-54-47.

Лицензия: RR-0001.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига ТИФ «Миллийбанк» томонидан қуйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилмоқда:

1. Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Манғит кўчаси, 5-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотлар.
Бошланғич баҳоси — 570 954 174 сўм.
2. Қашқадарё вилояти, Шахрисабз шаҳри, «Турон» МФЙ, Маърифат кўчаси, 40-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотлар.
Бошланғич баҳоси — 787 672 687,6 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 13 январь куни соат 11.00 да савдо ташкилотчиси «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ жойлашган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамш кўчаси, 1-«А» уйда бўлиб ўтади.

Талабгорлардан аризалар мазкур хабарнома эълон қилинган санадан бошлаб иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилида қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2012 йил 11 январь куни соат 18.00.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2012 йил 13 январдаги аукцион савдосида сотилган тақдирда, тақририй аукцион савдоси 2012 йил 17, 20 ва 25 январь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2012 йил 17 январдаги тақририй савдо учун 2012 йил 15 январь куни соат 18.00; 20 январдаги савдо

учун 18 январь куни соат 18.00; 25 январдаги савдо учун 23 январь куни соат 18.00.

Тўловларни амалга ошириш тартиби — аукцион голиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдордаги маблағни савдо ўтказилганидан сўнг бунук пули сифатида, қолган қисмини эса олди-сотди шартномасида белгиланган мuddатларда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича физ ҳисобланади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун ариза, закалат келишув, закалат пули тўланганлик тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда, ишончнома тақдим этилади. Савдо голиби деб топилган шахсга 10 иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо кунига қадар «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига келиб тушиши учун етарли бўлган мuddатларда тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамш к., 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52.

Лицензия: RR-0001.

«Росагропромснаб» МЧЖ
ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
ЭЛЕКТРОН ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
УБСГ 001 (G4, G6, G10), АГАТ (G16, G25), ГОБОЙ-1 (G10, G25, G65)






• 5 м³/соат дан 500 м³/соат гача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАР
• ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ ГАЗ БОСИМИ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ

Махсуслот сертификатланган.
Т/ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90
Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мазеси, «Ц» даҳаси, 6-уй. (мўлжал — «Шукрат» дўкони жойлашган чорраха)

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Давлат божхона кўмитаси жамоаси Ҳуқуқий бошқарма бош инспектори, божхона хизмати майори Озода Жўраевага укаси **БАХТИЁРНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия илҳор этади.





ХАЛҚ БАНКИ

Президентимиз раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ изчиллик билан амалга оширилаётган туб ислохотлар бугун ўзининг ёрқин натижаларини бермоқда. Ушбу ютуқлар дунё ҳамжамияти, хусусан, йирик халқаро молиявий ташкилотлар томонидан алоҳида эътироф этилаётгани бизга чексиз гурур ва ифтихор бағишлайди. Иқтисодий тартиқнинг жадал ривожланиш босқичига кўтарилгани, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда уни экспорт қилишда хусусий сектор вакилларининг улуши сезиларли даражада ошиб бораётгани, шунингдек, чет эллик сармоядорларга яратилган қулай муҳит уларнинг Ўзбекистон бозорига бўлган қизиқишини орттирмоқда.

Бугун юртимизда миллий иқтисодий тартиқ янада эркинлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва шу орқали янги иш ўринларини кўпайтиришга кенгроқ аҳамият қаратилаётган. Ҳаётга татбиқ этилаётган бундай тадбирлар ҳар томонлама асосли экани жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам ўз тасдигини топди. Биласиз, дунё бозорига ҳали-ҳануз беқарор вазият кузатишмоқда, қатор ривожланган давлатлар глобал бўҳрон таъсиридан жиддий азият чекмоқда. Мамлакатимизда тараққиётнинг "Ўзбек модели" ва шу асосда 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг қабул қилинган иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш имконини берапти.

Дастурда кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишда республикамиз молия муассасалари зиммасига ҳам катта масъулият юклатилган. Давлат-тижорат Халқ банки жамоаси ўз фаолиятини ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ривожлантиришга интиломоқда. Жумладан, банкнинг капиталлашув даражасини янада кўпайтириш, унинг инвестициявий фаолиятини таъминлаш, иқтисодий тартиқнинг истиқболли тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология янгилаш жараёнларини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш, аҳоли ҳамда юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб қилиш орқали тақлиф этилаётган хизматлар кўлемини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда. Натижада Халқ банкнинг жами капиталли йил бошидаги нисбатан 22,1 млрд. сўмга ортиб, унинг умумий микдори 221,5 млрд. сўмга етказилди. Бу, албатта, молиявий имкониятларнинг кенгайиши, банкнинг нафақат миқозлар олдидаги нуфузи, балки тизимдаги ўз ўрни ва салоҳияти янада ошишига олиб келди.

Банкнинг жами активлари 418,0 млрд. сўмга ёки 133,9 фойзага кўпайиб, 1 531 384,5 млн. сўмга етди.

Тадбиркорлик ривожига эътибор

Таъкидлаш жоизки, ўтган қисқа давр ичида банк муассасалари томонидан иқтисодий тартиқнинг реал сектори, кичик бизнес субъектлари ва истеъмол бозорини кредитлашга ҳам катта эътибор қаратилди. Кредит сўраб мувожаат қилган миқозларнинг лойиҳалари қисқа фурсатда атрофлича ўрганиб чиқи-

либ, маблағларни тўғри ва оқилона жойлаштириш, тез фойда келтирадиган ҳамда қўшимча иш ўринлари яратиш имконини берадиган тармоқларга йўналтириш буйича миллионлаб маблағлар тақлиф қилинган бўлиб, бунинг самараси ўлароқ, жорий йилнинг ўн ойи мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жами 241,2 млрд. сўм миқдорига кредит



маблағлари ажратилиб, режа 101,5 фойза бажарилди. Амалга оширилган қатор чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, банкнинг кредит портфели 731,2 млрд. сўмни ташкил этди. Эътиборлиси, мазкур кўрсаткич йил бошидаги нисбатан 176,1 млрд. сўмга ёки 1,3 баробарга ортган.

Кичик бизнес соҳасини ривожлантиришга ажратилган маблағларнинг асосий қисми, яъни 23,9 млрд. сўми саноат, 50,9 млрд. сўми қишлоқ хўжалиги, 51,6 млрд. сўми савдо, шунингдек, 28,6 млрд. сўми қурилиш, 27,0 млрд. сўми маиший хизмат ҳамда 59,1 млрд. сўми иқтисодий тартиқнинг бошқа устувор соҳаларига йўналтирилди.

Бугун ишбилармонликга қўл урган тадбиркор, кичик корхона ёки фермер хўжалиги ташкил этиб, иш бошлаётган киши борки, банк танлашда эркиндир. Аникроғи, у маблағини банкда сақлаш истагида ўзига ишончли ҳамкор қидиради. Шу ниятда, айтилган, бўлгуси тадбиркор тажрибали кишилардан "Қайси банкка мувожаат қилсам экан, нима дейсиз?", деб сўраши ёхуд ҳар бир молия муассасасининг имкониятларини, миқоз-

ларга кўрсатаётган хизматларнинг сифатию кўлемини тараққиёт соҳиб кўриши табиий. Бу эса, албатта, банклар ўртасидаги соғлом рақобатни кучайтиради. Давлат-тижорат Халқ банки жамоаси, унинг ҳар бир филиали ва бўлими мутахассиси ана шундан келиб чиқиб иш юритмоқда.

Президентимизнинг "Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш бўлимида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорла-

халқаро рейтинг агентлиги билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикаси Халқ банки рейтинг нозорати" мавзусида семинар ўтказилди. Унда халқаро рейтинг агентлигининг Париждаги офиси директори Пьер Жиро, мустақил таҳлилчи Ана Еленкович, "Standard & Poor's"нинг Москвадаги бош таҳлилчиси Сергей Вороненко, шунингдек, Халқ банки раҳбарлари, департамент директорлари ва бошқарма бошлиқлари катнашди.

"Standard & Poor's" вакиллари ўз чиқишларида янги методология, унинг банк рейтингига таъсири, молия муассасасаларининг янгича рейтинг баҳолаш услуби, сармоядорлар-

мунтазам ошириб бориш ва шу орқали фаолият самарадорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг сентябрь ойида Германиянинг жамғарма кассалар фонди билан биргаликда ўтказилган халқаро семинар фикримиз тасдиғидир.

Айтиш жоизки, Халқ банки Германиянинг жамғарма кассалар фонди билан бир неча йилдан бундан ҳамкорлик қилиб келади. Бу, ўз навбатида, банк миқозлари сони кўпайишида, имтиёзли кредитлар ажратилиб, маҳаллий тадбиркорлар, айниқса, аёл тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари яратишида муҳим омил бўлмоқда.

2011 йилнинг май ойида "Standard & Poor's" халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банки фаолияти, унинг стратегик йўналиши ҳамда ўтган йилги таҳлил натижаларини атрофлича ўрганиб чиқиб, банкнинг халқаро рейтингини В/В даражасида эканлигини тасдиқлади. Бу халқаро миқёсда Халқ банкига берилган муносиб баҳо бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал иқтисодий ислохотлар жараёнида 14 та худудий, 185 та туман (шаҳар) филиаллари, 270 та минибанк, 2230 дан ортиқ бўлим, 3,5 миңдан зиёд бўлимлар ва махсус кассаларни ўзига биравлаштирган давлат-тижорат Халқ банки ҳам муносиб иштирок этиб келмоқда. Молиявий имкониятларининг янада кенгайиши Халқ банкнинг нафақат миқозлар, муассасалар, балки бошқа халқаро молия ташкилотлари олдидаги нуфузининг янада ортишига ҳам олиб келди. Буни "Standard & Poor's" халқаро рейтинг агентлигининг "Барқарор" дея берган баҳоси яна бир қарра исботлади.



Ҳамкорлик алоқалари мустақамланмоқда

Иқтисодий ўзгаришларни тўғри баҳолаш оладиган тажрибали мутахассисларнинг эътирофи этишича, банк тизимида иш юритиш ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда меҳнат қилишдан кўра бирмунча мураккаб, қалтис ҳамда кишидан тезкорлик ва аниқликни талаб қилади. Бугун юртимиздаги барча молия муассасаларида мамлакат иқтисодий ўсиш мезонларини белгилловчи қўллаб-қувватлашга эришилмоқдаки, бу натижаларни интеллектуал билим ҳамда кўнаникка эга бўлган, изланувчан, ташаббускор мутахассислар хизматисиз тасаввур этиш қийин. Давлат-тижорат Халқ банки тизимида ҳам мана шу муҳим жиҳатга — мутахассисларнинг иш юритиш салоҳиятини

Семинарда сўз олган Жамғарма кассалар иқтисодчиси Карстен Хоффман жамғарма кассаларга ишбилармонликка қизиқувчи, бўлгуси тадбиркорларни жалб қилиш ва уларга йўл-йўриқлар кўрсатишнинг замонавий усуллари буйича ўзининг амалий тавсияларини берди. Шунингдек, семинарда жамғарма кассалар фаолиятини ривожлантиришда асосий ўрин тутган махсус "DSGV" деб ном-



ланган концепциянинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари хусусида ҳам атрофлича маълумот берилиб, ишлаш принципларининг энг аҳамиятли жиҳатларига эътибор қаратилди.

Мазкур семинар банк ва миқоз ўртасидаги муносабатларни мустақамлаштириш оид тажрибаларини янги усуллари жорий этиш билан бирга, ҳар икки



олинадиган даромад солиғи солинмади. Бундан ташқари, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия

ва хизмат кўрсатиш харажатларининг қисқариши, пул маблағларидан фойдаланишнинг хавфсизлиги — буларнинг барчаси пластик картчаканнинг афзал жиҳатларидир. Банк филиаллари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 259 888 донга пластик картчаканга муомалага чиқарилди. Ушбу ҳолат йил бошидаги нисбатан 31,4 фойза ошган. Эмиссия қилинган жами пластик картчалар сони 1 088 299 тани ташкил этди. Банк билан ҳамкорликда иш юритаётган 611 вазирлик, корхона ва ташкилотларда ойлик иш ҳақлари пластик картчаларда амалга оширилмоқда. Аҳолига хизмат кўрсатаётган терминаллар сони эса 12 миң 790 тага етказилди. Бундан ташқари, банкнинг 1300 донга ридерлар миқозларга доимий хизмат кўрсатаётган.

Банк томонидан Президентимизнинг пул муомаласини мустақамлаштиришга қаратилган қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилган ишлар натижасида 2011 йилнинг ўтган даврида банк кассаларига жами 2 триллион 630,3 млрд. сўмлик нақд пул маблағлари жалб этилди. Натижада банкнинг тўлов қобилияти янада мустақамланди ҳамда жорий йилнинг 9 ойи давомида пенсия ва нафақаларга, иш ҳақи, депозит ҳамда бошқа тўловларга 2 триллион 66,2 млрд. сўм нақд пул маблағлари чиқиб қилинди.

Шунингдек, аҳоли бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб этиш, янги омонат турларини ташкил қилиш борасида ҳам самарали ишлар олиб боришмоқда. Мазкур йўналишда нафақат марказда, балки банкнинг худудий филиаллари, шохбеча ва минибанкларига белгилаб олинган истиқболли режа кўрсаткичларига мувофиқ иш юритилмоқда.

Банк томонидан 2011 йилнинг ўтган даври мобайнида бир қатор янги омонат турлари жорий қилинди. Аҳоли омонатлари қолдиги йил бошидаги нисбатан 140,8 млрд. сўмга ошиб, 2011 йилнинг октябрь ҳолатига кўра, 747,0 млрд. сўмни ташкил этди.

Банкнинг қимматли қоғозлар бозоридagi фаолияти ҳам самарали бўлмоқда. Банк депозитларида юридик шахслар маблағлари улушини кенгайтириш мақсадида жорий йилнинг иккинчи ярмида 50 млрд. сўмлик депозит сертификатлари муомалага чиқарилди ва бурунги кунда уларни жойлаштириш ишлари олиб боришмоқда.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг афзалликлари

Пластик картчалар нақд пулсиз чакана тўловлар тизимида қулай воситадир. Ҳисоб-китоб қилишнинг осонлиги, нақд пулнинг банкдан ташқари айланишининг қамийиши

Бундан ташқари, мутахассислар малакасини ошириш мақсадида бир ярим миңга яқин ходимлар турли ўқув юртиларида таълим олишди. Кадрлар малакасини узлуксиз ошириб бориш, энг сўнгги банк аниқликлари ва иш юритиш тамойилларини ўрганиш, мақбулларини молия муассасаси фаолиятида жорий этиш муваффақиятлар гарови бўлаётган. Масалан, шу йилнинг апрель — июнь ойларида банкнинг 21 нафар ходими Жанубий Корея, Малайзия ҳамда Индонезияда банклар фаолиятини ривожлантириш буйича ташкил қилинган ўқув-семинарларида иштирок этиб қайтди.




Мухтасар айтганда, банк жамоасининг миқозлар ишончини қозониш, хизмат кўрсатиш сифати ва савиясини юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатлари аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлидаги эзгу ишларга муносиб ҳисса бўлиб қўшиливеради.

Б. ШОДИЕВ.



Халқаро эътироф мезони

Жорий йилнинг сентябрь ойи охирида давлат-тижорат Халқ банкнинг анжуманлар залида "Standard & Poor's"



Биржа нархлари ҳақида кўпроқ қилашни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

БАРЧА ТОВАРЛАР ГУРУҲЛАРИ БҮЙИЧА КОТИРОВКАЛАР WWW.UZEX.COM САЙТИДА

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонулчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 48409 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Ўзълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тўғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.40 Топширилди — 22.45

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев. Навбатчи — З. Худойшукуров. Мусоҳахчи — Ш. Машраббоев.